



# SCIENCE TIME

## БАДИИЙ АСАРДА НУТҚ ВА ШЕЪРИЙ СЎЗНИНГ ИККИ ХИЛ ОБРАЗЛИЛИГИ

**Ташанов Камил Юлдашевич**

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти Ўзбек адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.*

*E-mail: tashkamil58@gmail.com*

**Аннотация:** Мақолада бадий асарларда нутқнинг икки хил табиати, бадий насрдаги тури, «шеърий/насрий» сифатий таърифлари ва маънолари, тузилиши, лирикада шеърий сўзнинг икки хил образлилиги, сўзнинг бадийлиги масалалари ўрганилган. Таҳлилга ўзбек мумтоз адабиётининг буюк намояндаси Алишер Навоий, А.Орипов, Э.Воҳидов, Рауф Парфи, Тоғай Мурод, Исажон Султон асарларидан матнлар тортилган.

**Калит сўзлар:** нутқ, ритм, насрий матн, шеърий матн, бадийлик, классик наср, орнаментал (безатилган) наср, мажозий сўз, лисоний маъно.

**Аннотация:** В статье рассматриваются две природы речи в художественных произведениях, типы художественной прозы, качественные определения и значения, структура «поэтического/прозаического», два типа образности поэтического слова в лирике, художественная природа слова. В анализ были включены тексты из произведений великого представителя узбекской классической литературы Алишера Навои, А.Орипова, Э.Вахидова, Рауфа Парфи, Тоғая Мурада, Исаджона Султана.

**Ключевые слова:** речь, ритм, прозаический текст, поэтический текст, художественность, классическая проза, орнаментальная проза, образное слово, языковое значение.

**Annotation:** The article examines the two natures of speech in artistic works, the type of artistic prose, the qualitative definitions and meanings of «poetic/prose», structure, the two types of imagery of poetic words in lyrics, the artistic nature of words. Texts from the works of Alisher Navoi, A.Oripov, E.Vahidov, Rauf Parfi, Togay Murad, Isajon Sultan, a great representative of Uzbek classical literature, were included in the analysis.

**Key words:** speech, rhythm, prose text, poetic text, artistry, classical prose, ornamental (decorated) prose, figurative word, linguistic meaning.

### КИРИШ.

Маълумки, кундалик ҳаётда инсон (оғзаки) нутқи насрий шаклга эга. Бадий сўз эса дастлаб лирик/шеърий шаклда пайдо бўлган. Бадий асарларнинг шеърий ва насрий нутқга бўлиниши матн тилининг ўрганилишига асосланади. Шеърий нутқ ҳиссий мазмунида адекват (ўхшаш, мувофиқ) ифодалаш учун зарур бўлган ритмик шаклда юзага келган. Шеърий матн ритмик оҳанг тарзда ташкил этилган нутқ бўлиб, унинг учун



# SCIENCE TIME

синтактик бирликлар эмас, балки ритмик жиҳатдан ташкил этилган бирликлар муҳим аҳамиятга эга. Булар эса ўзаро қофиялар билан бирлаштирилган ёпиқ компонентлардир.

Бугунги кунда бадиий адабиёт жанрлари, ёзувчиларнинг воқеа/ходисаларнинг ҳикоя/сюжет баёни, ровийликларида ва шоирларнинг шеърӣ нутқларида замон-макон ўзгаришлари билан боғлиқ жиддий, айтиш жоизки, ижобий эврилишлар рўй бермоқда. Бу ҳолат ва ходисалар ўз навбатида замонавий адабиётшунослик олдига кечиктирилмайдиган, ҳал қилиниш лозим бўлган вазифаларни қўймоқда.

## МЕТОДЛАР.

Бадиий асарларда нутқ ва шеърӣ сўзнинг икки хил образлиги масаласининг айрим қирралари рус олимларидан Б.М.Эйхенбаумнинг «О поэзии», Ю.М.Лотманнинг «Анализ поэтического текста», А.Н.Васильеванинг «Художественная речь», Л.А.Новиковнинг «Стилистика орнаментальной прозы Белого» тадқиқотларида, М.М.Гиршманнинг «Поэтика: словарь актуальных терминов и понятий» мақоласида тадқиқ этилган, ўзбек адабиётшунослигида мазкур масала махсус ўрганилмаган бўлса ҳам олимларидан Й.Солижоновнинг «Нутқ ва услуб», Д.Қуроноунинг «Назарий қайдлар», А.Сабирдиновнинг «Ойбекнинг поэтик маҳорати», З.Бекбергенова ва А.Сарсенбаеваларнинг «Диологик нутқнинг коммуникатив ва бадиий-эстетик моҳияти хусусида» ва бошқа тадқиқотларда қисман ёритилган. Мақолада муаммони ёритишда матнлар таҳлилида интертекстуал метод татбиқ қилинди.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.

Рус олими М.М.Гиршманнинг Н.Д.Тамарченко муҳарририлигида нашр этилган «Поэтика: словарь актуальных терминов и понятий» луғатининг «Проза» шарҳида наср ва назм ўртасидаги асосий фарқ куйидагича изоҳланган: *«Ритмик хилма-хиллик, кўп тиллилик ва кўп нутқлилик бадиий насрнинг шеърға нисбатан яна бир ўзига хос хусусияти билан боғлиқ –*





# SCIENCE TIME

*огирлик марказининг сўзда ифодаланган субъектив ҳолатдан унда (сўзда) тасвирланган воқеликнинг хилма-хил объектив ва субъектив кўринишига ўтиши».* [7.190] Бундан наср ва назмда сезги, ҳиссиёт, сезим ва уларни инъикосларида маълум даражада фарқ борлигини равшан бўлади.

Адабий маконда наср ва шеърият сезиларли фарқларга эга экан, наср роман, қисса, ҳикоя каби жанрларни ўз ичига олган адабиётнинг асосий шакли бўлгани учун унинг тили грамматик характерга эга бўлган табиий нутқ оқимидан иборат бўлса, шеърият ритмик тузилишга эга. Демокчимизки, наср тили биз биладиган (тилшунослик нуқтаи назаридан) грамматик характерга эга бўлса, шеъриятда грамматик қоидаларга амал қилинмайди. Шеъриятда семантик мураккаблик шундан иборатки, ташқи матн тасвири ортида ҳар доим чуқур ички маъно мавжуддир. Шеърий матн учун семантик иккилик ва кўп ўлчамлилик табиийдир. Шеърий матннинг тузилиши шартли, субъектив тамойилнинг ҳаддан ташқари фаоллиги туфайли тилшуносликнинг гарамматик қоидаларига мос келавермайди. Шунинг учун шеърий матндаги маъноларнинг кўплиги насрий матнга қараганда анча фаолдир. Алишер Навоий сўзлари билан айтганда:

*Мунчаки шарҳ етти қалам сўзга ҳол,  
Насридадур, назмида бор ўзга ҳол.* [1.40]

Мазмуни: Қалам сўзни шарҳлаб ёзган шунча гаплар насрдир, назмдаги сўзнинг хоссаси бундан ҳам бошқачадир, дея наср ва назмни бир-биридан фарқлайди. Шоирлар шеър яратишда фикрни ифодалаш имконини берадиган она тилининг эстетик ва ритмик хусусиятларидан фойдаланиб, товуш ва ритм, оҳангга алоҳида эътибор беради. Агар шеъриятда идрок одатда биринчи ўринга қўйилса, насрда у воқеликнинг инъикосидир.

Масалан, А.Ориповнинг «Паҳлавон Маҳмуд қабри қошида» шеъри:

*Мадорсиз қўлимга қалам олганда,  
Ё узоқ йўлларда ҳориб-толганда.  
Бир номард қошида ожиз қолганда,  
Паҳлавон Маҳмуддан сўрадим мадад.*



# SCIENCE TIME

*Юлдузлар мисоли кулганда руҳим,  
Бўронли ҳисларга тўлганда руҳим.  
Баъзан шеър устида сўлганда руҳим,  
Паҳлавон Маҳмуддан сўрадим мадад. [3]*

Ёки Э.Воҳидовнинг «Камтарлик ҳақида» шеъри:

*Гарчи шунча мағрур турса ҳам,  
Пиёлага эгилар чойнак.  
Шундай экан, манманлик нечун,  
Кибру ҳаво нимага керак?*

*Камтарин бўл, ҳатто бир қадам  
Ўтма гурур остонасидан.  
Пиёлани инсон шунинг-чун  
Ўпар доим пешонасидан. [5]*

Ўқувчи А.Ориповнинг «Паҳлавон Маҳмуд қабри қошида» шеъридан лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини ва инсон тушкунликка, руҳоний кайфиятлар гирдобига тушганда азиз авлиёлар орқали Аллоҳдан мадад, нажот сўрашини, Э.Воҳидовнинг «Камтарлик ҳақида» шеъридан ҳаётдаги, кундалик турмушдаги оддий ҳолатдан (одамнинг чой ичиши) инсон учун олий фазилатлардан бири бўлган камтаринлик одоб-ахлоқнинг энг улуғи эканлигини ва манманлик, кибру ҳаво, гурур сифатлари ноинсонийлигини идрок этади. Бу тавсифлар шеърлардаги ҳар бир мисрада уфуриб туради. Шеърлардаги ритм, оҳанг, сўзлар ва жумлалар тузилишидаги уларнинг семантик кўп маънолиги буни далолатлайди. Шеъриятдаги ритмик материал (тил) миллий хусусиятга эга, уни бошқа тилларга том маънода таржима қилиб бўлмайди.

Насрда эса бошқача ҳолатни кузатамиз. Масалан, Исажон Султоннинг «Озод» романида шундай тасвир бор:

*«Иморат қурилаётган ҳовлидан нарироқдаги бошқа ҳовлида бир аёл хом нон тўла саватни кўтариб, тандир ёнига келди. Тандирда олов пасая бошлаган, қизғин чўғлар чирсиллар эди. Аёл чўғларни курак билан бир ерга уйди-да, устига кул тортди». [6.4]*





# SCIENCE TIME

Келтирилган мисолда аёлнинг «*хом нон* (хамирдан юмалоқ нон шаклига келтирилган-Т.К.) *тўла саватни кўтариб*», қизиб турган тандир ёнига келиб, нон ёпишга ҳозирланган ҳаракатлари тасвирланган. Воқеа «*иморат қурилаётган ҳовлидан нарироқдаги бошқа ҳовлида*» бўлаётгани, аёл кишининг «*хом нон тўла саватни кўтариб, тандир ёнига*» келиши, нон ёпиш учун «*Тандирда олов пасая бошлаган, қизғини чўғлар*»нинг чирсиллаб товуш чиқараётгани ва аёлнинг нон ёпиш учун «*чўғларни курак билан бир ерга уйди-да, устига кул*» тортиши тасвирланган. Тасвир кундалик турмушимизда деярли ҳар куни бўлмаса ҳам кўрадиган ёки гувоҳи бўладиган, билладиган оналаримизнинг нон ёпишга тайёргарлик кўриш жараёни. Матн грамматик характерда бўлиб, унда воқеа бўлаётган жой, персонаж ҳаракатлари, нарсанинг ҳоли тасвирланган. Матнни субъект (адресант) шу ҳолда воқеликни инъикос этади.

«Наср» тушунчаси кундалик ҳаётни ўзига хос шаклда ишончли, ҳаққоний тасвирлаш билан боғлиқ ва унинг бундай тасвири эстетик жиҳатдан тўлиқ эътироф этилади. Наср матни нутқнинг семантик ва синтактик тузилиш (ёзувчи услуби билан боғлиқ) билан белгиланади.

Наср матнида, ёзувчи услуби билан боғлиқ, шеърини нутқга монанд оҳангдошлик, ритмик муסיқийлик ҳам учрайди. Бунга ёзувчи Тоғай Мурод асарларидаги тасвир оҳанги ёрқин мисолдир. Тоғай Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романида шундай тасвирлар бор:

*«Кўшчини Ботир фирқа демагичлар бўлди. Биров - фирқа сўзига тушунолмади айтмади. Биров - қўшчи сўзига ўрганиб қолиб айтмади. Тагин биров - қўшчига фирқа сўзи ярашмайди, дея айтмади. Ана шунда, Ботир қўшчи... чилласида чироқ кўрмаган бўлди. Қўшчи бировни меҳнат ҳақини қирқиб ташлади. Бировни томорқасини сувдан қисди. Бировни мол-ҳолини емишдан тортди. Отига «фирқа» сўзини қўшиб айтмагичларни: «Халқ душмани», дея айблади. Шу-шу, қўшчи бир оғиздан - Ботир фирқа бўлди».*

[9.337]



# SCIENCE TIME

Матнда нафақат гап/жумлаларнинг семантик ва синтактик тузилиши, балки «*айтмади*», «*бўлди*», «*бировни*» сўзларининг такрори, «*қирқиб ташлади*», «*сувдан қисди*», «*емишдан тортди*», «*дея айблади*» жумлаларга юкланган ассоциатив-метафорик оҳанг асардаги Ботир қўшчига унинг ота-бобларини, ўзини билган оддий одамларнинг муносабати, Ботир фирқанинг (қўшчи), «*бировни*», «*...чилласида чироқ кўрмаган*» жумлаларидаги тағмаъноларда, характеридаги кибру ҳаво, манманлик туфайли хатти-ҳаракатлари ортида қилган зўравонлик, зулмнинг, кўринмас пардалар ортига яширилган, сабаб ва оқибатлари воқелик инъикос этилади.

Наср ва шеърый матнлар ўртасидаги аниқ фарқлар, юқорида кўрсатилгандай, бўлгани билан улар ўртасига кескин чегара қўйиб бўлмайди. Чунки уларни мустаҳкам ягона, бирлаштирувчи тамойил - **бадийлик** яхлитлаб туради.

Адабиётшуносликда, хусусан, рус адабиётшунослигида [11] бадий наср асосан икки тур ажратиб қаралади:

1. **Классик наср.** Классик наср асосан эпик баён бўлиб, мазмуний-мантиқий алоқа, фикр баёнида изчилликка, насрий нутқнинг грамматик-синтактик-семантик қурилишига асосланади.

2. **Орнаментал (Безатилган) наср.** Насрнинг бу турида сўз, жумла ва гапларнинг боғланиш ҳодисаси ассоциатив-метафорик турига асосланади. Бу «безатилган», жозибадор тасвир тизимида, метафорик гўзалликка эга наср.

Орнаментал насрда оддий насрга нисбатан сўзлар ишлатиш, жумлалар ва гаплар тузиш тенденцияси анча кучлироқ намоён бўлади. Чунки, оддий сўзлар ва унинг ясовчи элементлари ёрдамида яратилган матн, унинг грамматик ва семантик хусусиятлари ғайриоддий ҳиссий таассуротлар гирдобига етаклайди.

Юқорида Исажон Султоннинг «Озод» романидан келтирган мисолимиз *классик наср*, Тоғай Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» асаридан келтирилгани *орнаментал наср* турига мансубдир. Ҳозирги кунга қадар





# SCIENCE TIME

«шеър/наспр» концептуал антитезаси ва ундан келиб чиққан «шеърый/насприй» сифатий таърифлари ва маънолари, тузилиши олимларнинг эстетик қарашларидан келиб чиқиб кенгайиб бормоқда.

Маълумки, тил ва нутқни чегаралаш лингвистик ҳамда индивидуал (соф нутқий, тасодифий) образли воситалар билан фарқланади. Инчун, тилнинг образли воситаларидан фойдаланиш имкониятлари анча кенг. Бу кенглик биринчи навбатда сўзларнинг кўп маънолигига, уларнинг эмоционал-экспрессивлик буёқдорлигига, ижодкорнинг сўз танлаш маҳоратидан келиб чиқади. Масалани ойдинлаштириш учун унинг энг типик ҳолатларни кўриб чиқайлик.

1. Бадиий нутқда мажозий сўз ўзининг лисоний маъносида махсус контекстли семантик ва коннотатив кенгайтмалардан холи тайёр восита сифатида ишлатилади. Бунда тилда қабул қилинган маъноларнинг предмет алоқадорлиги сақланиб қолади. Мисол учун А.Ориповнинг «Биринчи муҳаббатим» шеърисида:

*Кеча оқшом фалакда ой бўзариб ботганда,  
Зухро юлдуз милтираб, хира ханда отганда,  
Руҳимда бир маъюслик сокинлик уйготганда,  
Мен сени эсга олдим, биринчи муҳаббатим,  
Эслаб хаёлга толдим, биринчи муҳаббатим. [4]*

Келтирилган мисолдаги образлилик нафақат тасвир ва лирик қаҳрамон руҳий ҳолати, балки тасвир, руҳий ҳолатни буёқдор тасвирлаш учун қўлланилган: «Бўзариб» - 1. Ранги қув ўчиб, оқариб кетмоқ; 2. Ғира-шира ёришмоқ; «Хира» - 1. Равшан ёки тиниқ эмас; 2. Кишини хурсанд қилмайдиган, кўнгли тўлмайдиган, номатлуб; «Ханда» - 1. Кулгу; 2. «Табассум»; «Маъюслик» - 1. Умидсизланган, ноумид; 2. Тушқун; «Сокинлик» - 1. Сукунатга чўмган, жим-жит; 2. Осойишта, тинч; 3. Ҳаракатсиз, тинч сўзларининг маънодорлиги сабаб юзага келмоқда.

«Бўзариб» - сўзи кўчма маънода «ғира-шира ёришмоқ» маъносини билдиради. Матндаги ўзига хослик *ой* сўзи билан индивидуал лексик



# SCIENCE TIME

мослашувга киришган «бўзариб» орқали, мослик табиати таҳлил қилинган маънони ўзгартирмайдиган ҳолда, жонсиз объектни талаб қиладиган «Кеча оқишом» қисмида намоён бўлиб, «ой бўзариб» - бўлак тасвирнинг асосида ётган жонлантиришга тўсқинлик қилади.

2. Ижодкор бўлмиш бадий сўз устаси тилдан нафақат фикрларни ифодалашнинг тайёр воситаси сифатида, балки таассуротларни ўзгартириш, янги фикр яратиш воситаси сифатида фойдаланади. Шеърининг ўзига хослиги ҳам шундан. Масалан, Эркин Воҳидовнинг «Тун билан йиғлабди булбул...» шеърида:

*Тун билан йиғлабди булбул,  
Ғунча ҳажри доғида.  
Кўз ёши шабнам бўлиб,  
Қолмиш унинг япроғида. [10.221]*

Келтирилган мисолдаги 1 ва 2 мисраларни яъни «Тун билан йиғлабди булбул», «Ғунча ҳажри доғида» мисраларидаги маъноларни:

1. Булбул тун билан «ғунча ҳажри доғида» йиғлабди;
2. Булбул тун билан бирга (қўшилиб) «ғунча ҳажри доғида» йиғлабди тарзида таҳлил қилиш.

Агар булбул образидаги рамзийликни ошиқ образи, «ғунча»ни маъшуқа образи сифатида талқин этиб, таҳлил этилса:

1. Ошиқ тун (кечаси) билан маъшуқа «ҳажри доғида» йиғлабди;
2. Ошиқ тун билан бирга (қўшилиб) маъшуқа «ҳажри доғида» йиғлабди тарзида шарҳлаш мумкин.

Учинчи ва тўртинчи мисраларда ҳижрон дардида йиғлаган булбулнинг кўз ёшлари ғунчанинг япроғида шабнам бўлиб қолганлигини метафорик хоссалар билан ифодалайди. Шоир мумтоз адабиётдаги хусну таълил шеърий санъатидан фойдаланиб, бири-бирига боғлиқ бўлмаган иккита нарсаларни (кўз ёш/шабнам) чиройли шоирона боғлиқлик топиб асослайди, далолатлайди. Хусусан, табиат ҳодисаси бўлмиш эрта тонг билан ғунча гул япроғидаги шабнам булбул/ошиқнинг кўз ёши эканлигини





# SCIENCE TIME

далаллайди ва буни булбул/ошиқнинг ғунча/маъшуқа ҳажри билан асослайди.

Кўринадики, шоир Э.Воҳидов табиатда содир бўладиган одатий ходисадан чиройли, жозабатор ўхшатишларда янги фикр яратиб, адресант/китобхон тафаккурида янги ҳиссиётлар, тассуротлар оламини яратади.

Инсонга Аллоҳ таола берган энг буюк неъматлардан бири нутқдир. У инсонларнинг ўзаро муомала-муносабат воситаси, тафаккур қуролидир. Одамларни яхшиликка ундовчи, маънавият-маърифатга чорловчи, юксак ахлоқий фазилатларга чорловчи воситалари ичида энг гўзали сўздир. Буюк шоир ва давлат арбоби, миллат ёғдуси Мир Алишер Навоий сўз гавҳари борасида ҳар бир асарида тўхталиб, сўз инсоннинг қиймати қадар қадрили, сўз дунёдаги барча кўнгилларнинг қутисидаги жавҳар дея таърифлаб, борлиқдаги барча нарсаларини, инсонларни турфа ифорлар таратиб турган гуллан чаманига қиёс қилиб:

*Тил бу чаманнинг варақи лоласи,  
Сўз дураридин бўлубон жоласи.[1.38]*

Тил шу чаманнинг очилган лоласи бўлса, сўз дурлари унга қўнган шабнамлар, дея унга баҳо беради. Тил шунчаки чексиз луғат таркибидаги сўзлар йиғиндиси эмас, балки тирик одамларнинг унга индивидуал ва ижтимоий эгаллиги, объектлар ва субъектларнинг бир-бирлари учун эквивалентлар, товушларнинг битмас-туганмас тизимидир. Унинг энг ибтидоий элементлари объектив воқеликнинг бевосита тажрибасини ифодаловчи сўзлар бўлса, энг мураккаблари - юқори даражадаги мавҳумликдаги тушунчалардир.

Ҳар қандай тилда сўзнинг бутун гўзаллигини, насофатини намоён қилувчи санъат бу бадиий адабиётдир. Чунки бадиий адабиёт сўзда (айнан бадиий сўзда) дунёни эстетик ўзлаштирадиган санъат туридир. Бадиий адабиёт – дунё ва инсонни бадиий образларда акс эттирувчи, ижтимоий,



# SCIENCE TIME

эстетик ва ғоявий аҳамиятга эга сўз санъатидир. Бадиий сўзларга, шунингдек, ёзувчилар айбдорлик, ғазабдан тортиб меҳр-муҳаббат, бахт-омад, севиш-севилишгача бўлган ҳис-туйғуларни уйғотиш ва дунёни янги сеҳрли кўринишда кўриш имконини берадиган кучли образли тил ҳам киради. Сўзлар туфайли шеърлар, кўшиқлар, ҳикоялар, романлар ва бошқалар яратилади. Ижодкорлар тарихни тирилтириши мумкин. Ёзувчи воқеани шу қадар бой тафсилотлари, характер ривожланиши ва ҳаракатларини жонлантириши мумкинки, биз ўқувчи сифатида ҳикояни қабул қиламиз ва ундаги одамлар ҳақиқий эканлигини ҳис қиламиз. Ёки шоир шеърини шу даражада бадиий тасвирий васиталар, рамзлар, метафорик хоссалар билан ифодалайдики, у инсон тассавурига сиғмайди, сеҳрли, ғайриодатий ҳислар, тафаккур оламини яратади. Масалан, Рауф Парфининг «Тавба» тўпламидан жой олган кўйидаги шеърида мисралардаги бадиий сўз ўхшаш бўлмаган нарсалар ўртасида илгари ҳеч қачон кўрмаган алоқаларни яратади:

*Баргларда рақс этар шаббода,  
Ўйнар сабо шаклинда кеча.  
Тун булутга кўтариб бода,  
Афсоналар айтар тонггача. [8.5]*

Инсон табиатдаги шамол, шаббоданинг дарахт япроқларни силкитишини, кузда хазонларни учиршини кўрган, лекин шаббоданинг баргларда рақс тушишини, кечанинг сабо шаклида ўйнашини, туннинг булутга қарата бода кўтаришини, афсона айтишини кўрган, эшитган эмас. Шунингдек, у гўзал, ғалати ва ноёб тушунчаларни келтириб чиқарадиган мураккаб, ижодий ва шеърый фикрлаш жараёнларини рағбатлантиради. Бу шоир фантазияси, бадиий сўзлар оламидаги бадиий тафаккур даражасидир.

## **ХУЛОСА.**

Хуллас, бадиий сўз ижодкорларга нарса/воқеаларни янги ва мазмунли тарзда тақдим этиш учун тафаккурнинг мантикий ва типик чегараларидан ташқарига чиқишга имкон беради. Энг асосийси, бузғунчилик адабиётнинг мақсади эмас. Унинг қадр-қиммати инсон дунёси ҳақиқати ҳақида кам





# SCIENCE TIME

маълум бўлган нарсаларни кашф қилиш ва очиб беришдан иборат. Ҳақиқат адабиётнинг инкор этиб бўлмайдиган ва энг асосий фазилати мана шудир. Адабиётнинг вазифаси ўқувчини турли хил ҳаётий вазиятларга тайёрлаш, унинг ҳаётдаги ўрнини англашга ёрдам беришдир. Китоб-бадиий асар ўқиш нафақат турли хил ҳис-туйғуларга эга бўлиш, балки ҳаётнинг мазмун-моҳиятини англаш, атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириш, маънавият ва маърифатга интилиш каби инсон учун зарурий, олийнеъмат бўлган фазилатларни эгаллаш ҳамдир.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. -Тошкент, Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. 38-бет
2. Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. -Тошкент, Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси. 40-бет
3. Abdulla Oripov. She'rlar & Shoirning o'zi o'qigan she'rlar. [kh-davron.uz/yangiliklar/muborak-kin/abdulla-oripov-she'rlar-shoirning-ozioqigan-she'rlar](http://kh-davron.uz/yangiliklar/muborak-kin/abdulla-oripov-she'rlar-shoirning-ozioqigan-she'rlar).
4. Абдулла Орипов. <https://ziyouz.uz/uzbek-sheriyati/uzbek-zamonaviy-sheriyati/abdulla-oripov>
5. Erkin Vohidov. Umr bekatlari & She'rlar, tarjimalar & Kuy avjida uzilmasin tor. [/kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/erkin-vohidov-umr-bekatlari](http://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/erkin-vohidov-umr-bekatlari).
6. Исажон Султон. Озод. Роман. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi. 4-бет
7. Поэтика: словарь актуальных терминов и понятий / под ред. Н.Д.Тамарченко. - Москва, Изд-во Кулагиной, 2008. С. 190.
8. Рауф Парфи Ўзтурк. Тавба. Шеърлар. -Тошкент, «Ёзувчи» нашриёти, 2000. 5-бет
9. Тоғай Мурод. Танланган асарлар. II жилд. Отамдан қолган далалар. Бу дунёда ўлиб бўлмайдди. Романлар. «Sharq» НМАК. -Тошкент. 2012. 337-бет
- 10.Эркин Воҳидов. Муҳаббат. Шеърлар. -Тошкент, Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1982. 221-бет
- 11.Қаранг: Эйхенбаум Б.М. О поэзии. - Ленинград, 1969; Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. - Ленинград, 1972; Васильева А.Н. Художественная речь. - Москва, 1983; Новиков Л.А. Стилистика орнаментальной прозы Белого. - Москва, 1990.